№4
2024



ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASÍ
NÓKIS FILIALÍ

MUSIQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI | ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА | BULLETIN OF MUSIC AND ART

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ

ILIMIY - METODIKALÍQ JURNAL

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRLIGI
ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ MÁDENIYAT MINISTRLIGI
ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASÍ NÓKIS FILIALÍ

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ

Ilimiy-metodikalıq jurnal

MUSIQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI

Ilmiy-uslubiy jurnal

ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА

Научно-методический журнал

BULLETIN OF MUSIC AND ART

Scientific-methodical journal

№ 4/2024

SHÓLKEMLESTIRIWSHI:

Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filialı

Bas redaktor: – Allanbaev Rudakiy, *professor*

Juwaplı xatker: – Kamalova Dilfuza, *filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktorı, docent.*

REDKOLLEGIYA AǴZALARÍ:

OZODBEK NAZARBEKOV – Ózbekstan Respublikası Mádeniyat ministri, professor;

AZIZBEK TURDIEV – Ózbekstan Respublikası Oliy Majlis Senatınıń jaslar, mádeniyat hám sport máseleleri komiteti baslıǵı orınbasarı, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD);

BEGIS TEMIRBAEV – Qaraqalpaqstan Respublikası Mádeniyat ministri, docent;

KAMOLIDDIN URINBAYEV – Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası rektorı, docent;

OMONILLA RIZAEV – kórkem ónertanıw ilimleriniń kandidatı, professor;

HIKMAT RAJABOV – professor;

ORAZALI TOSHMATOV – professor;

BAXT AZIMOV – pedagogika ilimleri kandidatı, docent,

MUHABBAT TOLAXOJAEVA – kórkem ónertanıw ilimleriniń doktorı, professor;

MARFUA XAMIDOVA - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktorı, professor;

BOLTABOY SHODIYEV - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktorı;

OZODA TOSHMATOVA - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktorı, professor;

SAYYORA ǴAFUROVA – professor;

OYDIN ABDULLAEVA – professor;

IRODA MIRTALIPOVA –kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD);

PARAXAT MAMUTOV – kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD);

QURBANBAY JARIMBETOV – filologiya ilimleriniń doktorı, professor;

ALIMA BERDIMURATOVA – filosofiya ilimleriniń doktorı, professor;

ZIYADA BEKBERGENOVA – filologiya ilimleriniń doktorı (DSc), professor;

ALIMA PIRNIYAZOVA –filologiya ilimleriniń doktorı (DSc);

YUSUPOV QONÍSBAY – pedagogika ilimleriniń doktorı (DSc), professor;

UTEBAEV TAJIBAY - pedagogika ilimleriniń doktorı (DSc), professor;

SEYTKASIMOV DAULETNAZAR - pedagogika ilimleriniń doktorı (DSc);

ARTÍQBAY EREJEPOV – pedagogika ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD), docent;

JAŃABAY MARZIYAEV – filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD), docent;

Jurnal qaraqalpaq, ózbek, rus hám ingliz tillerinde jılına 2 márte basıladı. Jurnal Ózbekstan Respublikası Prezidenti Administraciyası janındaǵı Málimleme hám ǵalaba kommunikaciyalar agentligi tárepinen mámleketlik dizimnen ótkerilgen. №047569 4-oktyabr, 2022-jıl.

Ózbekstan Respublikası Joqarı Attestaciya Komissiyasınıń 2024-jıl 30-iyuldaǵı 358-sanlı qararı tiykarında jurnal 17.00.00-Kórkem ónertanıw ilimleri jónelisi boyınsha dissertaciya nátiyjelerin baspadan shıǵarıw ushın arnalǵan jetekshi ilimiy jurnallar qatarına kiritilgen.

Redakciya mánzili: Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filialı Turan oypatı 29-jay.
E-mail:ozdknf@edu.uz, UZDK_Nukus@exat. Tel:551020540 Veb-sayt: https://science.uzdknf.uz/

ISSN-2181-4112

МИЛЛИЙ ЧОЛҒУЛАРДА ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МУТАХАССИСЛИК ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

(Абдувоҳид Мажидов фаолияти мисолида)

Назаров О.

Ўзбекистон давлат консерваторияси

Аннотация: Ушбу мақолада замонавий мусиқий таълим тараққиёти ҳамда миллий чолғуларда ижрочилик услубиёти ва ижрочилик санъати тарихига доир масалалар ҳақида сўз юритилади. Мавзу фидоий устозлардан бири А.Мажидов фаолияти асосида ёритилган.

Калит сўзлар: устоз, услубиёт, ижрочилик санъати, миллий чолғулар, қашқар рубоб, мусиқий таълим, шогирд, ижро маҳорати.

Аннотация: В данной статье речь идёт о развитии современного музыкального образования и вопросах, связанных с методикой игры на национальных инструментах и историей исполнительского искусства. Тема раскрыта на основе творчества одного из самоотверженных учителей А. Мажидова.

Ключевые слова: наставник, методика, искусство исполнительства, национальные инструменты, кашкарский рубаб, музыкальное образование, ученик, мастерство исполнения.

Annotation: This article talks about the development of modern musical education and issues related to the methodology of performance on national instruments and the history of performance art. The topic is covered based on the work of one of the dedicated teachers, A. Majidov.

Key words: teacher/mentor, methodology, performance art, national instruments, kashkar rubob, musical education, student, performance skills.

Кириш: Миллий мусиқий таълим соҳасида миллий чолғуларда ўқитиш услубиётини такомиллаштириш, уни янги замонавий ўқитиш шакллари билан бойитиб бориш ҳар доим ўз долзарблигини сақлаб келаётган масалалардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳар бир соҳа ривожида шубҳасиз, ана шу тизимда фаолият юритаётган шижоатли, жонкуяр, кучли салоҳият эгаларининг ҳиссаси катта. Улар нафақат ўз касбига садоқатли, балки, Ватан тақдирига дахлдорлик масъулиятини ҳам ҳис этиб меҳнат қилишади. Бугун юртимизда муҳтарам юртбошимизнинг одилона олиб бораётган давлат сиёсати замирида инсонга эътибор, инсонни улуғлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Асосий қисм: Мамлакатимизда мусиқий таълим соҳасининг асосий бўғинларидан бири бўлган ўрта махсус билим даргоҳида меҳнат қилаётган устозлар миллий мусиқа маданиятимиз тараққиётининг асосий йўл бошчилари десак муболаға бўлмас. Уларнинг ўқитиш услубиётига қўшаётган салмоқли ҳиссасини ўрганиш, устозлар фаолиятини ёритиш, таҳлил қилиш, оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб этиш, уларни рағбатлантириш ва ўсиб келаётган ёшларга уларни таништириб бориш фойдадан холи бўлмайди.

Одатда устозлар ҳақида ҳақида гап кетганда кўпинча уларнинг илмий салоҳияти, эришган ютуқлари, амалга оширган ишлари ва қўлга киритган совринлари билан бирга уларнинг инсонийлик жиҳатлари, шогирдларига бўлган самимий ва беғараз муносабатлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилади. Ана шундай камтарин ва самимий инсон, беназир устоз, Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактабининг фидоий устозларидан – Абдувоҳид Мажидов ўзининг узоқ йиллик ҳалол меҳнати орқали, мусиқий таълим ва миллий мусиқа санъатимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлардан биридир.

Абдувоҳид Мажидов 1942 йил 10 май куни Тожикистон Республикаси Ленинобод вилояти Хончи туманининг Ўртақўрғон қишлоғида таваллуд топди. Отаси Абдумажид Норбўтаев тижоратчи, онаси Зулфияхон Мажидова эса уй бекаси бўлиб беш нафар фарзандлар тарбияси билан машғул бўлган. Оилада иккинчи фарзанд бўлган Абдувоҳиднинг мусиқага бўлган қизиқиши ёшлигидан намоён бўлиб, ашула айтишни машқ қилиб юрарди. Ёшлик пайтларида ўзларининг маҳалласида бир тадбирда машҳур дуторчи созанда Осауллохон Эсон дада билан учрашиб қолишади. Моҳир созанданинг ижроси ёш Абдувоҳидда катта таассурот қолдиради ва мусиқага қизиқиши янада ортади. Келгусида ҳам бу устоз билан доимий ҳамкорликда бўлиб улардан кўплаб сабоқ олган А.Мажидов ҳозирги кунгача Осауллохон Эсон дадани ўзининг биринчи устози эканлигини фахр билан эътироф этади.

“Ўрта мактабни 1959 йилда, ундан сўнг 1961 йилда техника билим юртини тамомлаб қурилиш трестида ғишт терувчи бўлиб ишлай бошладим. Ўшанда, 1962 йилда Фарғона шаҳрида мусиқа билим юртига ўқувчилар қабул эълон қилингани ҳақида газетада ўқиб қолдим ва оила аъзоларим ҳамда қариндошларим қаршилигига қарамай шу билим юртига ҳужжат топширдим” [1]. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган Абдувоҳид шу йили билим юртига “Қашқар рубоб” мутахасисслиги бўйича ўқишга қабул қилинади.

Билим юртида мутахасиссликдан В.Антиповда таҳсил олар экан, бу устоздан европа мусиқаси сир-асрорларини ўрганган бўлса, миллий куй-қўшиқларни устози Раҳмиддин Қипчоқовдан ўрганади. Биринчи босқични

битиргач, ҳарбий хизматга чақирилади. 1963-1966 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач билим юртида ўқишни давом эттиради ва 1969 йилда билим юртини муваффақиятли битиргач, шу ерда ишга олиб қолинади.

Билим юртида иш фаолияти билан бирга А.Мажидов 1971-1976 йилларда Тошкент давлат консерваториясида сиртқи бўлимда таҳсил олади. Бу даргоҳда Бўрибой Мирзааҳмедов, Турсун Азимов, Сулаймон Тахалов, Феоктист Васильев каби ўша даврнинг забардаст устозларидан соҳа сир-асрорларини қунт билан ўрганди. Устоз ўқувчиларга таълим берар экан доимо ўз устозларини катта эҳтиром билан ёдга олади.

А.Мажидов фаолият олиб борадиган Фарғона санъат билим юрти 1957 йилда ташкил этилган бўлиб, ўзбек халқ чолғулари бўлими у ташкил топган вақтлардаёқ тузилди. Билим юртига директор этиб тайинланган Ҳ.Максумова ушбу таълим масканини республиканинг илғор ўқув юртларидан бирига айлантиришга муваффақ бўлди. “Бу раҳбарнинг кенг дунёқараши, чуқур билими, талабчанлиги ва қаттиққўллиги жамоани шаклланиб тараққий топишида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Умуман олганда, барча муваффақиятлар замирида таълим муассасида таълим-тарбия ишларининг тўғри йўлга қўйилганлиги, устоздан анъана сифатида шогирдга ўтиб келган раҳбарлик қоидаларига содиқлик ётади” [2: 4].

Билим юртида европа чолғуларини ўқитиш бўлимлари қаторида халқ чолғулари бўлими ҳам муваффақиятли фаолият олиб бориб вилоят маданият ва санъати ривожида катта марказ вазифасини адо этди. “Махсус синфларни тузишда В.М.Антипов (прима-рубоби), Г.И.Непорядкин (рубоб), М.Мадалиев (чанг), Р.М.Қипчақов (рубоб), Х.И.Ёқубов (қашқар рубоби) каби ўқитувчилар алоҳида жонбозлик кўрсатишди” [3]. Бўлимни катта муваффақиятларга эришишида дастлабки устозлардан Р.Қипчоқовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш. жоиз. “Р.Қипчоқов ўзининг ўқитувчилик фаолияти давомида 60 дан ортиқ ўзбек халқ куйлари, бастакорлар асарлари ва қардош халқлар куйларини нотага олиб, оркестрга мослаштирди ва ўзи раҳбарлик қилган оркестрда ижро этди” [4: 7]. Деярли барча битирувчиларнинг устози ҳисобланган бу ижодкор мутахасисслик, дирижёрлик, чолғулаштириш, оркестр синфи каби асосий фанлар бўйича ёшларга юқори даражада сабоқ бериб элимизга таниқли бўлган кўплаб санъаткорларни етиштириб чиқарди. Шундай илғор шогирдларнинг дастлабкилардан бўлган Абдувоҳид Мажидов бўлимнинг энг жонкуяр ва етакчи устозларидан бири бўлиб етишди ва устози Р.Қипчоқов билан узоқ йиллар елкама-елка фаолият олиб борди.

А.Мажидов шу кунгача ўқувчиларга миллий чолғу ижрочилиги ва миллий мусиқа санъатимиз сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. Устоз

ўзининг ўқитувчилик фаолиятида билимдон ва қаттиққўл устоз, ва шу билан бирга жонкуяр ва фидоий мураббий сифатида ўзини кўрсатди. Унинг ўқувчилари ўзларининг профессионал ва маданиятли ижролари, шунингдек техник маҳорати билан ажралиб туради. Улар йиллар давомида Республика ўрта махсус ўқув юртлари, олийгоҳлар ва халқаро миқёсида ўтказилиб келинган турли кўрик-танловларда иштирок этиб фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Устоз ўзининг 55 йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида ўз услубиётини яратди десак муболаға бўлмайди. Мусиқий таълимда, хусусан, чолғуларда ўқитиш жараёнида шогирдлар ижросида устознинг услубиёти яққол кўзга ташланади. А.Мажидов тарбиялаган созандаларда чолғуни ушлашидан тартиб, товуш чиқариш ва уни бошқариш, ижро маҳоратининг юқорилиги, асарларнинг мукаммал ишланишигача кузатиш мумкин. Ҳар бир асарни таҳлил қилишда ўқувчиларга қатъий талаб қўйилиши натижасида ўқувчиларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаб борилиши алоҳида эътиборга молик. Устоз ўқувчиларга нафақат асарни ёдлаш ёки тўхтамасдан чалиб чиқиш, балки унинг ҳар бир нотаси ёки товуш устида эринмай ишлашни ўргатадилар. Куйнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бериш, уни тинговчиларга мукаммал етказиб бериш йўл-йўриқлари устида ишлайдилар. Қашқар рубобига хос бўлган нозик жиҳатлардан бўлган чап қўл ҳаракатларини такомиллаштириш, айниқса товуш сифатини яхшилаш борасида катта тажрибага эга.

Шогирдларнинг барчаси мутахасисслик дарсларига катта қизиқиш ва иштиёқ билан қатнашишлари фикримизнинг далилидир. Шу ўринда ўқувчиларга ҳар бир асарни ўзлари ижро этиб кўрсатиб беришларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ўрганилаётган асарнинг ҳар бир жиҳатини синчиклаб ўргатиб, ўрганилган кўникмаларни тўлиқ бажарилишини ўқувчилардан қатъий талаб қилади. Ўқувчилар билан самимий муносабат ўрнатиб уларнинг оилавий аҳволи, руҳиятини ҳисобга олган ҳолда ёндашади. Уларнинг шахсий ишлари, муаммоларидан ҳам хабардор бўлиб, ўзларининг қимматли маслаҳатларини, керак бўлса ёрдамларини аямайди. Уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларида қўлларидан келган барча ишларни қилганликлари сабаб, шогирдлари ҳамиша устозни ардоқлаб ҳурмат эҳтиром кўрсатиб келадилар.

Устознинг шогирдлари бугун республикамизнинг турли шаҳарларида фаолият олиб бормоқдалар. Улар орасида халқимизнинг ардоқли санъаткорлари Ўзбекистон халқ артистлари - Абдуҳошим Исмоилов, Абдулаҳад Абдурашидов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар - Абдурахмон Холтожиев, Одилжон Назаров, Эркинжон Рўзматов,

Замира Раҳматуллаева, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Аҳмаджон Абдураҳимов, санъатшунослик фанлари номзоди Давлат Муллажонов, хонандалар Аҳрор Усмонов ва Зиёҳиддин Муллажонов каби кўплаб ижодкорларни санаб ўтиш мумкин.

Шунингдек, устознинг шогирдларидан Фарғона вилояти маданият бошқармаси бошлиғи Ж.Тожибоев, ФИСМ директори И.Йўлдошев, Ю.Ражабий номидаги ММСИ декани А.Жўраев, ФИММ директор ўринбосари Ў.Худойназаров, ФИСМ ўқитувчилари А.Раҳимов, Ш.Турсунов каби ўнлаб мутахасисслар раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб бормоқдалар.

А.Мажидов кўп йиллик фаолияти давомида ўқитувчилик билан бирга мунтазам ижрочилик фаолиятини ҳам олиб борган устозлар сирасига киради. Ҳар сафар шогирдларини Халқаро ва республика кўрик-танловларига тайёрлар экан, янги-янги асарларни излаб топиб шогирдларига ўргатиш баробарида ўзлари ҳам қашқар рубобида чалиб ижро этиб келадилар. Санъат мактабида ўтказиладиган концертларда мунтазам хонанда ва яккахон созанда сифатида композитор С.Ҳайитбоевнинг “Баллада”, Д.Зокировнинг “Кўрмадим”, М.Мирзаевнинг “Марғилон қизлари” ижроси билан фаол қатнашиб келадилар. Шу ўринда устоз ўзининг 80 йиллик таваллуд айёми муносабати билан ўтказилган катта тадбир ва концертда қашқар рубобида якка ижрода Д.Зокировнинг “Кўрмадим” асарини ижро этганда Ўзбекистон халқ артисти А.Исмоилов саҳнага чиқиб “шу ёшда бундай ижро ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмаслигини” ҳаяжон билан эътироф этганини айтиб ўтиш жоиз.

Шунингдек, устознинг бастакорлик фаолиятида шоир Иқбол Назаров шеърига басталанган “Наврўз гули”, Анвар Жапақов шеъри билан куйланадиган “Ўзбекистон” каби ўндан ортиқ қўшиқлари магнит тасмаларига ёзиб олинган.

Хулоса: Устознинг фидокорона меҳнатлари 1989 йилда Ўзбекистон маданият вазирлиги томонидан “Меҳнат фахрийси”, 2022 йилда эса “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишонлари билан тақдирланган. А.Мажидов ўқитувчилик фаолияти билан биргаликда фаол жамоатчи ҳамдир, у вилоят ва шаҳар миқёсидаги концертларда, оммавий тадбирларда, кўплаб танловларда ҳайъат аъзоси сифатида ҳам фаол иштирок этиб ёшларга ўзларининг қимматли маслаҳатларини аямасдан ҳамон фаолиятларини давом эттирмоқда.

Қадимдан ўзининг олиму-фузалолари, буюк мутафаккирлари билан дунёга машҳур бўлган юртимизда бугун ҳам ана шундай инсонларни етиштириб чиқаришга қодир устозлар яшаб ижод қилаётганлиги билан

фахрланамиз ва албатта, келгусида миллий чолғуларда ўқитиш услубиётини янада такомиллиашиб боришида бундай устозларимиз фаолияти бардавом бўлади деб умид билдирамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Мажидов билан 2024 йил 20 сентябрда бўлган суҳбатдан.
2. “Санъатнинг нурли йўли” мақолалар тўплами. Ф., “Фарғона” нашриёти, 2017.
3. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. – Т.; “Ўқитувчи”, 1995
4. Қаҳҳоров Т. Торлар садоси. – Т.; “Building print” нашриёти, 2014.



MAZMUNÍ

MUZÍKATANÍW

1 **Раджабова С.Р.** СОВРЕМЕННОЕ ВОКАЛЬНОЕ ПРОИЗВЕДЕНИЕ: СОЕДИНЕНИЕ ТРАДИЦИИ И ИННОВАЦИИ В АЦИОНАЛЬНОМ МУЗЫКАЛЬНОМ ИСКУССТВЕ…….. 3

2 **Туйчиева Р.Х.** СОНАТА ДЛЯ СКРИПКИ И ФОРТЕПИАНО ФАТТАХА НАЗАРОВА В КЛАССЕ КАМЕРНОГО АНСАМБЛЯ….. 12

3 **Muxamedjanova Z.** YOSH KOMPOZITORLAR IJODIDA KAMER-CHOLG‘U ASARLARNING IJROCHILIK TALQINI……..... 17

4 **Ражабова Н.Ф.** ЛАДЫ НАРОДНОЙ МУЗЫКИ В КУРСЕ СОЛЬФЕДЖИО…….. 26

5 **Saidxonov A.S.** IOGAN SEBASTYAN BAX OHANGLARDAN TARALAYOTGAN HAYOT…… 31

6 **Muxamedjanova Z.** B.TURSUNBOYEVNING FORTEPIANO UCHUN “SAVTI KALON SOQIYNOMASI” MAVZUSIGA VARIATSIYASI TAHLILI VA TALQIN MASALASI…….. 36

7 **Чаршемов Ж.А.** ОРКЕСТР УЧУН КОНЦЕРТ ЖАНРИ ТАРИХИ….. 44

8 **Kamalova G.M.** JAMIL CHARSHEMOVTÍŃ “POPURRI” SHÍǴARMASÍNÍŃ ÓZGESHELIGI…….. 52

9 **Allaniyazov B.Q.** «MUXAMMES» JANRÍNÍŃ TEORIYALÍQ HÁM ÁMELIY MASHQALALARÍ…… 58

10 **Мухамедзиянов К.Т.** О ВОКАЛЬНОМ ЦИКЛЕ «РУБАЯТ» НОДИРА МАХАРОВА НА СЛОВА АЛИШЕРА НАВОИ……. 64

KÓRKEM ÓNER

11 **Allanbaev R.O.** MUZÍKALÍ SHIǴARMALARDIŃ QARAQALPAQ TEATRÍNDA TUTQAN ORNÍ..... 69

12 **Djumaniyazov U.M.** XALQ CHOLG‘ULARI ORKESTRIDA RUBOB PRIMANING O‘RNI…… 76

13 **Áliev N.Ǵ.** QARAQALPAQ MUZIKA MÁDENIYATINDA DEMLI ÁSBAPLAR…… 81

14 **Kamalova G., Dauletbaeva G.** DUWTAR SAZ ÁSBABÍN ZAMANAGÓYLESTIRIWDIŃ ÁHMIYETI..... 89

15 **Karimova N.** O‘ZBEKISTONDA O‘TKAZILAYOTGAN XALQARO TIVALLARNING MADANIY ALOQALARDAGI ROLI (Xalqaro asal vali misolida)……..... 95

16 **Ризаев О.** ТЕАТР ВА ЗАМОН……. 105

17 **Shukurov A.** MILLIY O‘ZLIKNI ANGLASHDA MILLIY MADANIYATNING AHAMIYATI…… 111

18 **Хожаназаров Т.** ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ОПЕРА САНЪАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ…… 117
19 **Мамадалиев А.** ЎЗБЕК МАДАНИЙ МУСИҚА ИЖРОЧИЛИГИДА ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ АНСАМБЛЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ (чангчилар ансамблида Ф.Содиқовнинг “Ҳумор” асари мисолида).. 122
20 **Назаров О.** МИЛЛИЙ ЧОЛҒУЛАРДА ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МУТАХАССИСЛИК ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ (Абдувоҳид Мажидов фаолияти мисолида)…… 129
21 **Юлдашева М.Б.** РОЛЬ МЕЖКУЛЬТУРНОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ И КУЛЬТУРНОЙ ДИПЛОМАТИИ В ПРОДВИЖЕНИИ КУЛЬТУРЫ УЗБЕКИСТАНА…… 135

MUZÍKA PEDAGOGIKASÍ

22 **Gulmanov I.Sh.** DÁP ÁSBABÍN OQÍTÍW METODIKASÍ TARIYXÍ.. 143
23 **Iseev R.** FORTEPIANO SABAǴINDA SES GOZALLÍǴÍ ÚSTINDE ISLEW PROCESI..... 154
24 **Yusupaliyeva D.K.** YANGI O‘ZBEKISTON YOSHLARI TARBIYASIDA MILLIY QADRIYAT: MOHIYAT VA MAZMUN.... 160
25 **Азимов Б.** ИЛМ ВА ТАЖРИБАДАГИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ (Васильев Феоктист Никифорович ижоди мисолида)…… 168
26 **Казакбаева М.** РОЛЬ И РАЗВИТИИ ЦИФРОВЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ В МУЗЫКАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ…… 175
27 **Умарова В.** РАБОТА НАД ПОЛИФОНИЧЕСКИМИ ПРОИЗВЕДЕНИЯМИ В КЛАССЕ «СПЕЦИАЛЬНОЕ ФОРТЕПИАНО»……. 180

JÁMIYETLIK-GUMANITAR PÁNLER

28 **Тлеуниязова Г.Б.** ЗАМОНАВИЙ ҚОРАҚАЛПОҚ ЛИРИКАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИДА ШЕЪР КОМПОЗИЦИЯСИ..... 186
29 **Бекбергенова А.У.** ПИСЬМЕННЫЙ ПАМЯТНИК «КИТАБИ ДЕДЕМ КОРКУТ» И ДАСТАН «ЕР ЗИЙУАР»..... 196
30 **Бекбергенова А.У.** ҚАРАҚАЛПАҚ ОЧЕРКЛЕРИНИҢ РАЎАЖЛАНЫЎ ТЕНДЕНЦИЯЛАРЫ (1991-2000-жыллар)……. 202

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ

Ilimiy-metodikalıq jurnal

“STATION X” baspası
Nókis-2024